

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат
Музейи Адабиёт бўлими мудираси: Нигора Мўминова*

Наманган воҳаси жаҳон фани юксалишида залворли ўринга эга бўлган алломаларни камол топтирган диёрдир. 8-аср охирида мамлакат пойтахти Аҳсида туғилиб ўсган Аҳмад Фарғоний фалаккиёт, риёзиёт ва жуғрофия фанлари ривожига улкан улуш қўшди. Шарқда Хосиб, Оврўпада Алфраганус номи билан машҳур бўлди. Поп шаҳридан X асрда йирик шайх ва донишманд Умар Боб Фарғоний етишиб чиқди. Чунончи, Мавлоно Лутфилло Чустий--Нақшбандий тариқатининг атоқли вакили мақомига етган, Қашкарда пешволик қилган Хидоятullo Офoқ Хўжа Махдуми Аъзам Косонийнинг эвараларидандир.

Ана шундай алломаларни бағрида вояга етказган диёрнинг аждодларининг оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган бой маданий мероси борки, улар нафақат фарзанд тарбиясида, балки бутун омма маънавияти юксалишига хизмат қилувчи бебаҳо меросдир. Бундай меросларни ёзиб олиб, ўрганиб, халққа тақдим этишда ҳамюртимиз, фольклоршунос олим Муродов Малик Муродовичнинг меҳнатлари беқиёсдир. У ижодий даврида 200 дан ортиқ мақола, эртак ва достонлар ёзди.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Адабиёт кўргазмалар залида Малик Муродовнинг “Тулиқахқах” ва “Наманганнинг олмаси” номли кўлёзма китоблари намоёнишга қўйилган бўлиб, бу китобларда Наманган вилоятининг турли туманлари кекса отахон ва онахонлари оғиздан ёзиб олинган лапарлар, аллалар, эртаклар ва маросим қўшиқлари жамланган.

Халқимизда азалдан фарзанд тарбиясига ҳамиша икатта эътибор қаратиб келинган. Республикамиз мустақилликка эришгач эса, бу масала бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди.

Фарзанд-оила қувончи, ота-она таянчи, авлодлар давомчиси. У қанчалик маданиятли, маърифатли, билимли, илмли, соғлом, мард ва жасур бўлиб вояга етса аввало оиласига ва халқига кўпроқ фойдаси тегади. Фарзанд тарбиясининг боши энг аввало хомиланинг дастлабки кунларидан бошланади, яъни онанинг луқмаси халолу поклигига эътибор қаратилса, чақалоқ туғилгандан кейинги таълим-тарбия жараёнлари худо ҳохласа кўнгилдагидек осон кечади ва асло ноқобил фарзанд бўлиб улғаймайди. Ва яна дастлабки тарбия жараёнларидан бири бу, алладир. Гўдак боласини эмизаётган ёки бешикда тебратиб ухлатаётган она яхши ниятлар қилиб, яратганга ҳамдлар айтиб, фарзанди бахту камолини сўраса ва ана шундай гўзал, ёқимли аллалар айтса, иншааллоҳ ҳаммаси яхши бўлади. Алла билан мурғак қалбга меҳру муҳаббат, эзгулик, имон-этиқод каби хислатларни жо қилиб боради. Шу билан бирга, алла дастлабки мусиқа сабоғидирки, унинг ёрдамида маъсум юракка

она Ватан наволари илк бор таъсир этади.

Ота боболаримиздан

қолган кўп нақл ва мақоллар, эртаклар, асотир, афсона ва ривоятлар, дostonлар, ҳамда халқ кўшиқларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилганининг боиси ҳам, айнан шунда бўлса ажаб эмас. Мисол учун мақолларга назар ташласак: “Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, қизи йўфнинг қадри йўқ”, “Болали уй бозор, боласиз уй мозор”, “Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи” каби мақолларни олсак ва мағзини чақишга ҳаракат қилсак.

Биринчи мақолда “Ўғли йўқнинг ўрни йўқ”, дейилмоқда. Яъни оилада фақат киз фарзанд бўлса, у бировнинг хасми бўлгани боис вақтики келиб уйини тарк этади ва бошқа хонадонга бекалик қилади. Куёвнинг уйи эса ота-она учун ноқулайдир. Агар оилада ўғиллар кўп бўлгани ҳолда киз фарзанд бўлмасачи, бу ҳолда улар “Қизи йўқнинг қадри йўқ” аҳволига тушиб қолишади. Тўғри, ота-она учун ўғилнинг уйи ўз уйидай гап: доимо уйнинг тўри уники, алоҳида ўрни бор. Лекин, барибир, келин келин--да, онанинг ўрни бўлгани билан ҳамма оилада ҳам қадри билинмайди. Келинлар қанчалик яхши, меҳрибон бўлишмасин, бари-бир қизчалик онаизорга меҳрли, қадрдон бўлишолмайди. Шундай экан, ҳоҳи ўғил бўлсин, ҳоҳ қизи-- ҳар қандай ҳолатда катталарнинг ҳурматини жойига қўйишга ўргатишлари талаб қилинади.

Болали уй ҳудди бозорга ўхшаш шовқин булгани учун ҳам халқимиз “Болали уй бозор, боласиз уй мозор”, деб қуйибди. Яна болалик уйда ғийбат, фисқу-фасодга ўрин ҳам йўқ. Катталар ҳудди болалардай ўйнаб-- кулишади, жажжиларнинг қилиқларидан завқланиб яшашади. “Боласиз уй” да яшашдан эса ўзи асрасин. Шундай экан, ўзидан насл қолдириб, уларни ватанга муҳаббатли, эл-юртга меҳрли этиб тарбиялашга, таълим беришга нима етсин.

Мақол ва нақллари диққат билан ўрганар эканмиз, уларда яхши ва ёмон фарзандларнинг феъл --атвори, юриш --туриши, хатти-ҳаракати, гап-сўзи, қилиқлари, ота-она бошқаларга тегадиган фойда ва зиёни ҳар томонлама ифода этилганига гувоҳ бўламиз: “Қобил фарзанд-жонга пайванд”, “Яхши ўғил уй тузар, ёмон ўғил туй бузар, “Ноқобил отдан йикитар”, “Ёмон бўлса боласи, ҳаммол бўлар отаси” ва ҳоказо.

Фольклоршуносликда ривоят, эртак ва дostonларнинг ҳам ўрни катта бўлиб, фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этади ҳамда кўпроқ умумбашарий, умуминсоний, миллий қадриятларни ўзида ифода этади. Жумладан, ўзбек халқ дostonи “Алпомиш”да муҳаббат ва дўстлик, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги афсоналарда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик, Холами Той ҳақидаги эртакларда кўли очиклик, бағрикенглик, хокисорлик, “Кунтуғмиш”да оила ва фарзандга муҳаббат руҳи бадий тасвирланган. Қадимги одамлар борлик тўғрисида ўйланганларида, афсона, ҳикоя ёки дostonлар сўйлаганларида оламнинг қадри, унинг ботиний чексизлиги, буюклиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон

умрини, маъноси, мазмуни, мақсади, ботирлик, оқиллик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби қадриятларга изоҳ берганлар аҳамиятини турлича талқин қилганлар, хатто уларнинг айримларини илоҳийлаштирилган.

Ҳар бир эртақ ва дostonларда ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди, ёвузлик устидан эзгулик ғалаба қозонади. Бундай эртақ ва дostonларни ўқиган болалар албатта ижобий қаҳрамонларга ўхшагиси, ўзини унинг ўрнида кўргиси келади ва сўзсиз бунинг натижасида феъл-атворида, юриш-туришида ижобий ўзгаришлар юзага келади. Шу боис ҳам ота-боболаримиз, “Эртақлар яхшиликка етаклар” деб бежизга айтишмаган.

“Аждарҳо”, “Бўз бола”, “Олтин қаср”, “Тулиқахқах”, “Тулияр билан Қаландарбек”, “Анқо қуши”, “Уч ака ука билан бир қиз” ва бошқа кўплаб халқ эртақлари “Тулиқахқах” номли уч томли асарга жамланиб, у фольклоршунос олим М. Муродов томонидан 1958-1985 йиллар давомида нашрга тайёрланган. Ушбу китоб музейимиз хазинасида 17366 рақами остида сақланмоқда. Китобда баён этилган эртақлар болаларни тўғри ва ширин сўз, ҳалол, меҳнатсевар, Ватанпарвар ва ота-онага, ёру-биродарларига меҳрли бўлишга ундайди. Биргина “Аждарҳо” эртагини талқин қилиб кўрсак: бу эртақни М. Муродовга 1976 йили Наманган вилоятининг Файзиобод қишлоғида яшовчи 81 ёшли Усмон ота Мадумаров ўғли айтиб берган. Эртақдаги аждарҳо анча ақлли, уқувли ва тадбирли экан. У тоғда бир ўзи зерикканидан қишлоқдан бир ақлли қиз олиб келиб, уни вояга етказиб, кейин унга уйланиб яшамоқчи бўлади.

Дастлаб қишлоқдан бир чиройли қизни олиб келади ва ундан исмини сўрайди. Қиз бўлса унга исмимни нима қиласан, турқи совуқ аждарҳо, мени уйимга элтиб қўй, бўлмаса отам сени ўлдиради. Мени отам шу юртни султони, қиличидан қон томади. Мен унинг ёлғиз фарзандиман дейди ва ҳақоратлайди. Аждарҳонинг жаҳли чиқиб, сени ўзимга хотин қилиб олмоқчи эдим, энди эса менга чўри бўласан, дангаса, бетга чопарнинг жазоси шу деб ғорга қамаб қўяди. Иккинчи марта шаҳардан яна бир гўзал қизни ўғирлаб келади ва ниятини айтади. Қиз эса шунақанги сўзларни айтиб қарғанибдики, аждарҳо унинг сасиганига чидаёлмабди. У ҳам майли, қиз пешингача уйқудан турмас экан. Аждарҳо у қизни ҳам бир ғорга қамаб қўйибди. Учинчи марта бир қишлоқдан ўта камбағал, лекин ақлли, чиройли ва оғир ҳаётдан тўйган Зарифа исмли қизни ўғирлаб келибдида бу ҳам барибир хотин бўлишга кўнмайди деб ўйлаб еб қўймоқчи бўлади. Шунда ақлли қиз мени ейишга ҳали улгурасан, аввал бу ерларни тозалаб берай, ифлос жойда иштаҳа бўғилади дебдида бир зумда ҳамма жойни ёғ томса ялагудай тозалабди, овқат пиширибди, кир ювибди. Хуллас, ширин сўзу меҳнати билан аждарҳога ёқиб қолибди. Қизнинг гапи билан аждарҳо ҳамма бандиларни озод қилибди. Аждарҳо шифобахш булоқ сувида чўмилиб навқирон ва меҳрибон йигитга айланибди. Шу тариқа аждарҳо йигит билан Зарифа бахтли ҳаётга кадам қўйибди. Аввалги икки қизнинг оталари аждарҳо йигитдан қасд олмоқчи

бўлганида, қизлар ўз айбиларини тушуниб етибдилар ва оталарига ҳаммасига сабаб, бизнинг заҳар тилимизу, дангасалигимиз деб, оталарини қасд олишдан қайтаришибди.

Эртақдан хулоса шуки, “тил югурар бошга, қўл югурар ошга”, “яхши бўлсанг ошингни, ёмон бўлсанг бошингни ейсан”, “ширин тил билан илон инидан чиқибди” каби мақолларни эслаш ўринлидир. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки халқ оғзаки ижодининг алладан тортиб афсона, ривоят, достон, кўшиқлар, эртақ ва мақолларнинг бари фарзанд тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бирининг тарбияда ўз ўрни ва қўллаш вақтлари бор. Шу боис ҳам менинг фикримча мактабларда бошланғич синфлардан тортиб, юқори синфларнинг адабиёт дарсликлари, маънавият соатларига ва одобнома дарслари иш режаларига халқ оғзаки ижоди намуналарини кўпроқ киритиш жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Мозийдан садо” – илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал. 2022-2023-йиллар сонлари.
2. “Фарғона водийсида музей иши ва фаолияти” И. Юсупов, И. Каримов. 2022-йил, Ўзбекистон Республикаси. Маданий мерос агентлиги.
3. “Мозий собоқлари” – Алижон Азизов. Наманган- 2021-йил.
4. “Санъат” журнали- 2013-йил.
5. “Гулистон” – ижтимоий-сиёсий, илмий-бадний, маданий-маърифий журнал. 2021-2022-йил.

